



Халқ сўзи

Ўзбекистон —
келажаги
буюк
давлат

2022 йил — ИНСОН ҚАДРИНИ УЛУГЛАШ ВА ФАОЛ МАҲАЛЛА ЙИЛИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

WWW.XS.UZ

E-mail: Info@xs.uz

2022 йил 1 январь, № 1 (8063)

Шанба

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодни
телефонингиз орқали сканер қилинг.



ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚИГА ЯНГИ ЙИЛ ТАБРИГИ



Азиз ва муҳтарам ватандошлар!
Сиз, азизларни, кўп миллатли бутун халқимизни, Янги — 2022 йил билан самимий муборакбод этаман. Шу қувончли дамларда барчангизга тинчлик-осойишталик, сихат-саломатлик, бахту саодат тилайман!
Бугун, Янги йил оstonасида туриб,

ўтаётган йилдан рози бўлсак, Яратганга ҳар қанча шукроналар айтсак, арзийди.
Ёшларни қўллаб-қувватлаш ва аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш йили ҳаётимизда ёрқин из қолдирмоқда. Йил давомида сизлар билан бирга улкан ишларни амалга оширдик.

Пандемия ва глобал инқирозга қарамасдан, юртимизда юқори иқтисодий ўсиш таъминланди. Кўплаб корхоналар, кластер ва технопарклар, замонавий инфратузилма тармоқлари барпо этилди.
Янги-янги уй-жойлар, боғча ва мактаблар, олийгоҳ ва шифохоналар, маданият

ва спорт масканлари фойдаланишга топширилмоқда.

Тадбиркорлик ҳаракати, жумладан, хотин-қизлар ва ёшлар тадбиркорлиги жадал ривожланмоқда.

Деҳқон ва фермерларимиз фидокорона меҳнат қилиб, бу йил ҳам мўл ҳосил етиштирдилар.

Шаҳар ва қишлоқларимиз обод бўлиб, Янги Ўзбекистоннинг бетакрор қиёфаси шаклланди.

Билимдон ва ғайратли ёшларимиз катта-катта ютуқлари билан халқимизни янада қувонтирмоқда. Мамлакатимизнинг халқаро нуфузи тобора юксалмоқда. Фурсатдан фойдаланиб, хорижий ҳамкорларимиз, чет давлатлар халқларини Янги йил билан табриқлаб, уларнинг барчасига тинчлик ва раҳнақ тилаймиз.

Азиз дўстлар!

Юртимизда кенг қўламли ислохотларимиз барқарор тус олди.

Уларни янада ривожлантириш мақсадида биз Янги Ўзбекистон Тараққиёт стратегиясини ишлаб чиқдик.

Унинг асосида «Инсон қадрини улуғлаш», деган улуғвор гоияни амалга оширамиз.

Биз янги йилга ном беришда, кенг жамоатчилиқнинг фикрларини ўргандик. Ана шу таклифлардан келиб чиқиб, мен Янги — 2022 йилни мамлакатимизда «Инсон қадрини улуғлаш ва фаол маҳалла йили» деб эълон қилишни таклиф этаман.

Инсон қадрини улуғлаш — юртимизда яшаётган ҳар бир одамнинг ҳуқуқ ва эркинликлари, қонуний манфаатларини таъминлаш демакдир.

Бу борада жамиятимиз асоси бўлган маҳалла ҳал қилувчи ўрин тутади.

Маҳалла тинч бўлса, юрт тинч бўлади.

Маҳалла обод бўлса, мамлакат обод бўлади.

Шу боис бундан буён ҳар бир маҳаллада самарали иш олиб бориш фаолиятимизнинг бош мезонига айланади.

Бебаҳо бойлигимиз бўлган тинчлик ва барқарорликни таъминлашга устувор аҳамият қаратамиз.

2022 йилда иқтисодий тармоқлари ва тадбиркорликни ривожлантириш, янги иш ўринлари яратиш эътиборимиз марказида бўлади.

Аҳоли даромадларини кўпайтириш, иш ҳақи, пенсия, стипендия ва нафақалар миқдорини оширишга қаратилган муҳим ишларни давом эттирамиз.

Ижтимоий соҳалар, айниқса, соғлиқни сақлаш, таълим-тарбия ва илм-фанни ривожлантиришга барча ресурслар жалб этилади.

Муҳтарам уруш ва меҳнат фавриларини, азиз аёлларимиз ҳамда ёшларимизни қўллаб-қувватлаш, кўмакка муҳтож инсонларга ғамхўрлик кўрсатишга алоҳида эътибор берамиз.

Юртимизни янада обод қилиш, замонавий уй-жойлар, жумладан, барча ҳудудларимизда «Янги Ўзбекистон массивлари»ни қуриш асосий вазифаларимиздан бири бўлади.

Ишонтириб айтаманки, халқимизнинг ҳаёти янада фаровон ва мазмунли бўлиши учун бор куч ва имкониятларимизни сафарбар этамиз.

Азиз ва қадрли ватандошларим!

Барчангизни Янги — 2022 йил билан яна бир бор чин қалбимдан табриқлайман!

Янги йилимиз кутлуғ ва баракали келсин! Кексаларимизнинг умрини, ёшларимизнинг камолини берсин!

Дилбар аёлларимизга доимо бахту иқбол ёр бўлсин!

Юртимиз тинч, халқимиз омон бўлсин!

Янги йил барчамизга муборак бўлсин!

Шавкат МИРЗИЁЕВ,
Ўзбекистон Республикаси
Президенти

Ўзбекистон Республикаси Президенти
Матбуот хизмати сурати.

ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚИ ВА ПРЕЗИДЕНТИГА ҚУТЛОВЛАР

Янги — 2022 йил кириб келиши муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев номига хорижий давлатлар, ҳукуматлар ва парламентлар, нуфузли халқаро ва минтақавий ташкилотлар раҳбарлари, таниқли давлат ва жамоат арбобларидан самимий қутловлар келмоқда.

Табриқномаларда давлатимиз раҳбарига бахт-саодат ва янги муваффақиятлар, кўп миллатли Ўзбекистон халқига эса тинчлик-осойишталик ва раҳнақ тилаклари изҳор этилган.

Жумладан, қуйидагилар ўз табриқларини йўллаган:

- Россия Федерацияси Президенти **Владимир Путин**;
- Хитой Халқ Республикаси Раиси **Си Цзиньпин**;
- Қозоғистон Республикасининг Биринчи Президенти — **Элбоши Нурсултон Назарбоев**;
- Қозоғистон Республикаси Президенти **Қосим-Жомарт Тоқаев**;
- Туркменистон Президенти **Гурбангули Бердимухамедов**;
- Тожикистон Республикаси Президенти **Имомали Раҳмон**;
- Қирғиз Республикаси Президенти **Садир Жапаров**;
- Озарбайжон Республикаси Президенти **Илҳом Алиев**;
- Беларусь Республикаси Президенти **Александр Лукашенко**;
- Корея Республикаси Президенти **Мун Чжэ Ин**;
- Япония Бош вазири **Фуmio Кисида**;
- Германия Федерал Республикаси Президенти **Франк-Вальтер Штайнмайер**;
- Буюк Британия Бош вазири **Борис Джонсон**;
- Польша Республикаси Президенти **Анджей Дуда**;
- Италия Республикаси Президенти **Серджо Маттарелла**;
- Словения Республикаси Президенти **Борут Пахор**;
- Грузия Президенти **Саломе Зурабишвили**;
- Украина Президенти **Владимир Зеленский**;
- Дания Қироличаси **Маргрете II**;
- Норвегия Қироли **Харальд V**;
- Миср Араб Республикаси Президенти **Абдулфаттоҳ ас-Сиси**;

- Бирлашган Араб Амирликлари Президенти **Халифа бин Зоид Ол Наҳаён**;
- Бирлашган Араб Амирликлари Вице-президенти, Бош вазири, Дубай Амирлиги ҳокими **Муҳаммад бин Рошид Ол Мактум**;
- Бирлашган Араб Амирликлари Куролли кучлари Олий бош қўмондони ўринбосари, Абу Даби валиаҳди **Муҳаммад бин Зоид Ол Наҳаён**;
- Бирлашган Араб Амирликлари Бош вазири ўринбосари, ички ишлар вазири **Сайф бин Зоид Ол Наҳаён**;
- Иордания Подшоҳи **Абдулла II**;
- Сингапур Президенти **Халима Ёқуб**;
- Корея Республикаси Миллий Ассамблеяси Спикери **Пак Бён Сок**;
- Канада генерал-губернатори **Мэри Саймон**;
- Россия Федерацияси Хавфсизлик кенгаши Раисининг ўринбосари **Дмитрий Медведев**;
- Россия Федерацияси Бош вазири **Михаил Мишустин**;
- Хитой Халқ Республикаси Раисининг ўринбосари **Ван Цишань**;
- Хитой Халқ Республикаси Давлат кенгаши Бош вазири **Ли Кэцян**;
- Сингапур Бош вазири **Ли Сянь Лун**;
- Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги Ижроия қўмитаси раиси — Ижрочи котиби **Сергей Лебедев**;
- Евроосиё иқтисодий комиссияси хайъати раиси **Михаил Мясникович**;
- Туркий давлатлар ташкилоти бош котиби **Бағдод Амреев**;
- Халқаро қишлоқ хўжалигини ривожлантириш фонди президенти **Жильбер Фоссун Унгбо**.

Қутловлар келиши давом этмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

РЕСПУБЛИКАДА КЎКАЛАМЗОРЛАШТИРИШ ИШЛАРИНИ ЖАДАЛЛАШТИРИШ, ДАРАХТЛАР МУҲОФАЗАСИНИ ЯНАДА САМАРАЛИ ТАШКИЛ ЭТИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Сўнгги йилларда аҳоли пунктларини кўкаламзорлаштириш, дарахт ва буталарни муҳофаза қилиш ҳамда яшил майдонларни кенгайтириш борасида тизимли чоралар кўрилмоқда. Қимматбаҳо навли дарахт ва буталар кесилишига мораторий жорий қилиниши, дарахт кесганлик ҳолатлари учун жарима ва компенсациялар миқдорининг оширилиши шулар жумласидандир.

Бироқ масъул ташкилотларнинг амалга оширилаётган ишларга сузтакшлик билан ёндашиши ҳамда айрим шахсларнинг ўсимлик дунёси объектларига бўлган тажовузкор ҳаракатлари, шу жумладан, дарахтларни ноқо-

нуний кесиш билан боғлиқ ҳолатлар умумэкологик вазиятнинг ёмонлашишига сабаб бўлмоқда.

Бундан ташқари, инвестицион фаоллик суръатларининг, жумладан, саноат ишлаб чиқариш, қурилиш, урбанизация ва бунёдкорлик кўламининг кескин кенгайтиши аҳоли пунктларига тушаётган экологик юкларнинг камайириш механизми ташкилоти тақозо этмоқда.

Дарахт, буталар ва яшил ҳудудларни муҳофаза қилиш ҳамда уларнинг майдонларини кенгайтириш, ушбу соҳада масъул ташкилотлар фаолиятини янада самарали ташкил этиш, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг

2019 йил 30 октябрдаги «2030 йилгача бўлган даврда Ўзбекистон Республикасининг Атроф-муҳитни муҳофаза қилиш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида»ги ПФ-5863-сон Фармонида белгиланган вазифаларни бажариш мақсадида:

1. Бутун мамлакат миқёсида дарахтзорларни кўпайтиришга қаратилган қуйидагиларни назарда тутувчи «Яшил макон» умуммиллий лойиҳаси татбиқ этилсин:

дарахтларни экиш ва парвариш қилиш соҳасидаги бошқарув тизимини такомиллаштириш;

(Давоми 2-бетда).

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОИ

АТРОФ-МУҲИТНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ ҲАМДА ЭКОЛОГИК НАЗОРАТ СОҲАСИДАГИ ДАВЛАТ ОРГАНЛАРИ ФАОЛИЯТИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Мамлакатда экологик хавфсизликни таъминлаш, экологик вазиятни яхшилаш, қулай экологик ҳолатни барқарор сақлаш, экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш соҳасида давлат бошқаруви самарадорлигини таъминлаш ҳамда соҳада содир этилаётган ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш бўйича амалга оширилаётган чора-тадбирларни янада жадаллаштириш мақсадида:

1. Қуйидагилар Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитасининг (кейинги ўринларда — Давлат экология қўмитаси) янгиланган асосий вазифалари этиб белгилансин:

экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш, уларни қайта тиклаш ва инсон фаолиятининг табиатга салбий таъсирини олдини олиш соҳасида ягона

давлат сиёсатини амалга ошириш;

атроф-муҳитни муҳофаза қилиш борасида жамоатчилик, фуқаролик жамияти институтлари билан ҳамкорликни таъминлаш, жамоатчилик назоратига услубий ёрдам кўрсатиш ва кўмаклашиш, фуқароларнинг қулай атроф-муҳитга бўлган ҳуқуқларини таъминлаш;

(Давоми 3-бетда).

